

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
PRIMAFAG NEO
PRIMAPHAGE NEO

Препаратнинг савдо номи: PRIMAFAG NEO

Таъсир этувчи модда (ХПН): поливалент лизифаг

Дори шакли: ичга қабул қилиш, маҳаллий ва сиртга қўллаш учун суюқлик

Таркиби:

1 мл препарат қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар: *Pseudomonas aeruginosa*, *Proteus mirabilis*, *Klebsiella pneumoniae*, *Enterococcus faecalis* ва *Escherichia coli*нинг турли серогуруҳ бактерияларининг стерил тозаланган фаголизатларининг филтрати. Титр 10^6 КХБ/мл (Грациа усули бўйича) ва *Staphylococcus haemolyticus* нинг фаоллиги 10^5 КХБ/мл дан кам эмас (Аппельман усули бўйича).

ёрдамчи моддалар: консервант - 8-гидроксихинолин сульфати ёки 8-гидроксихинолин сульфат моногидрати, 8-гидроксихинолин сульфатга нисбатан ҳисобланганда 0,00001 г/мл ёки 0,001% суюқ фаг миқдорига нисбатан (ҳисобланган миқдор) ва тозаланган сув.

Таърифи: оч сарикдан - оч жигарранггача бўлган тиник суюқлик, яшилсимон рангга йўл қўйилади.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Бошқа даволовчи воситалар.

Код АТХ: V03A

Фармакологик хусусиятлари

PRIMAFAG NEO бактериофаги – йирингли ва яллиғланиш касалликларининг этиологиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган *Staphylococcus haemolyticus*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Proteus mirabilis*, *Klebsiella pneumoniae*, *Enterococcus faecalis* ва *Escherichia coli* бактерияларини турли хил серогуруҳларига нисбатан ўзига хос бактерицид таъсирга эга бўлган дори препарати. Фаг заррачалари сезгир бактерияларнинг мембранасига ёпишади, хужайра ичига киради ва унинг ресурслари ҳисобига кўпаяди. Бунинг оқибатида хужайра нобуд бўлади ва бошқа сезгир бактериал хужайраларни зарарлаш қобилятига эга етилган вирулент фаг қисмларини ажралиб чиқиши кузатилади. PRIMAFAG NEO бактериофаги бошқа бактерияларга таъсир қилмайди, хусусан табиий микрофлорани бузмайди.

Қўлланилиши

Препарат барча ёшдаги ва юқори хавfli гуруҳларда *Staphylococcus haemolyticus*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Proteus mirabilis*, *Klebsiella pneumoniae*, *Enterococcus faecalis* ва *Escherichia coli*нинг турли серогуруҳ бактериялари келтириб чиқарадиган бактериал йирингли-яллиғланиш ва ичак касалликларини даволаш ва олдини олиш учун қўлланилади.

Қуйидагиларни даволаш:

- жаррохлик инфекциялари: йирингли яра, куйиш, абсцесс, флегмона, фурункул, карбонкул, гидраденит, панариций, парапроктит, мастит, бурсит ва остеомиелит;
- уrogenитал инфекциялар: уретрит, цистит, пиелонефрит, кольпит, эндометрит ва сальпингоофарит;
- юқори нафас йўлларининг бактериал инфекциялари: кулок, томок, бурун, оғиз бўшлиғи, халқум, ҳиқилдок, бронхлар, ўпка ва плевранинг йирингли яллиғланиш касалликлари (отит, ангина, фарингит, ларингит, стоматит, синусит, пародонтит, гайморит, бронхит, пневмония, плеврит);

- янги туғилган чақалоқларни йирингли-яллиғланиш касалликлари (омфалит, пиодермит, конъюнктивит, гастроэнтероколит, бактериал сепсис ва бошқалар).
- гастроэнтерологик касалликлар: энтероколит, холецистит, таъсирланган ичак синдроми (ТИС), дисбактериоз;
- тарқалган бактериал септик касалликлар;
- *Staphylococcus haemolyticus*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Proteus mirabilis*, *Klebsiella pneumoniae*, *Enterococcus faecalis* ва *Escherichia coli*нинг турли серогуруҳ бактериялари келтириб чиқарган бошқа касалликлар.

Олдини олиш:

- янги жароҳатларга ишлов бериш;
- жарроҳлик муолажалари ва операциялардаги йирингли асоратлар;
- ўткир респиратор-вирусли касалликларнинг бактериал асоратлари;
- она қорнида инфекцияланган, янги туғилган чақалоқлардаги бактериал сепсис ва энтероколит;
- даволаш муассасаларида бактериал ифлосланиш ва касалхона ички инфекцияларини олдини олишда қўлланилади.

Олдини олишда фойдаланишнинг оптимал схемаси, ёшга қараб бир марталик терапевтик дозани (даволаш мақсадларида бўлгани каби) кунлик қабул қилиш.

Қўллаш усули ва дозалари

Самарали фаготерапиянинг муҳим шарти, дастлаб касаллик кўзгатувчисининг шу фагга сезувчанлигини аниқлаш (бемордан ажратиб олинган штаммларнинг PRIMAФAG бактериофагига сезувчанлигини аниқлаш) ҳисобланади. Бактериофагни касалликнинг илк босқичида қўллаш, шунингдек уни инфекция ўчоғига юбориш энг самарали ҳисобланади. Инфекция ўчоғини жойлашишига қараб, препарат:

- *маҳаллий* – тозалаш, ювиш, томизиш, аппликациялар, тампонлар, турундалар кўринишида;
- капилляр дренаж, катетер орқали бўшлиқлар (қорин, плевра, бўғим, қовуқ) ички бўшлиқларга юбориш йўли орқали;
- *перорал* (per os) *йўли орқали*;
- клизма ёрдамида *тўғри ичакка ректаль* (per rectum) юбориш мумкин.
- маҳаллий шикастланиш билан кечувчи йирингли-яллиғланиш касалликларини даволаш учун PRIMAФAG NEO маҳаллий, ҳам ичга қабул қилиш (per os) учун буюрилади. Препарат билан даволаш курси давомийлиги 7 кундан 15 кунгача (клиник кўрсаткичларга кўра).

Препаратнинг дозаси инфекция ўчоғининг характери билан белгиланади ва қуйидагиларни ташкил этади:

- 200 мл гача (шикастланган ўчоқнинг ўлчамини ҳисобга олиб) – тозалаш, дока билан намлантирилган боғлов, тампонлар;
- 100 мл гача – бўшлиқлар (плеврал, бўғим ва бошқа чегараланган бўшлиқлар) ичига юбориш учун, капилляр дренаж орқали юборилади. Сўнгра бўшлиқ тўлиқ тикилади ёки капилляр дренаж қолдирилади, у орқали бир неча кун давомида бактериофаг такроран юборилади.

1. Абсцессларда пункция ёрдамида йиринг олиб ташлангандан кейин препарат ўчоқ бўшлиғига юборилади. Юборилаётган препаратнинг миқдори олиб ташланган йирингнинг хажмидан биров кам бўлиши керак. Йиринг абсцессни очиш йўли билан олиб ташланиши мумкин, кейинчалик бактериофаг билан намланган стерил тампон бўшлиққа қўйилади. Остеомиелитда ҳар куни 10-20 мл дан яраларга юбориш учун, бир марта (тегишли жарроҳлик ишловидан кейин) қўлланилади.

Қулоқ, томоқ, буруннинг йирингли-яллиғланиш касалликларида препарат 2-20 мл дан - чайиш, ювиш, томизиш, турундаларни намлаш учун қўлланилади. Муолажа кунига 1-3 марта ўтказилади (турунда 1 соатга қолдирилади). 11 ёшгача бўлган болаларда бодомсимон безларга шприц (ёки спрей) ёрдамида ишлов берилади.

- Ҳалқумнинг орқа соҳасига ишлов бериш учун, каттароқ ёшдаги болалар томоқни чайишлари ва препаратнинг оз миқдорини (2 мл) бурунга томизишлари мумкин.

1. **Бронхит, пневмонияни даволашда** препарат кунига 3 марта 10-20 мл дан ичга қабул қилинади, шунингдек, ингаляция тарзида ҳам (иситмасдан ва ультротовуш ишлатмасдан) қўлланилади. Даволаш курси 15-20 кун.

2. **Цистит, пиелонефрит, уретритларда** препаратнинг терапевтик дозаси кунига 3 марта овқатдан 1-1,5 соат олдин, 7-15 кун давомида қабул қилинади. Агар пешоб қопчаси ёки буйрак жоми дренажланган бўлса, бактериофаг катетер ёки зонд орқали кунига 1-2 марта 20-50 мл дан пешоб қопчасига ва 5-7 мл дан буйрак жомига юборилади.

3. **Йирингли-яллиғланишли гинекологик касалликларда** препаратни кин бўшлиғига, бачадонга кунига бир марта 5-10 мл миқдорда юборилади. Колпит, салпингоофорит, йирингли яраларга ишлов бериш учун 1-2 марта ишлатилади.

4. **Энтерал патология, ТИС (таъсирланган ичак синдроми), микроорганизмлар келтириб чиқарган дисбактериозда** PRIMAFAG NEO ичга қабул қилиш ва ҳукна шаклида қўлланилади. Препарат овқатдан 1-1,5 соат олдин оч қоринга қабул қилинади. Ректал ҳукна кўринишида кунига 1 марта, кечкурун, уйқудан олдин, ичак бўшаганидан кейин буюрилади.

5. **Янги туғилган, шу жумладан эрта туғилган чақалоқларда** бактериал сепсис ва энтероколитда бактериофаг миқдори қўлланмага мувофиқ кунига 2 марта ҳукна шаклида (газ чиқарувчи трубка ёки катетр орқали) қўлланилади. Қусиш кузатилмаса, препаратни оғиз орқали юбориш мумкин. Бундай ҳолатда она сути билан аралаштирилади.

Препаратнинг тавсия этилган дозалари:

	Ёш	Ичга қабул қилишга (per os)	Ҳукна (per rectum)
1	6 ойликгача	5 мл, бир қабулга кунига 2 марта, 7-15 кун давомида	10 мл дан кунига бир марта юқори клизма кўринишида, 7-15 кун давомида
2	6 ойликдан 12 ойликгача	10 мл бир қабулга кунига 2-3 марта, 7-15 кун давомида	20 мл дан кунига бир марта, 7-15 кун давомида
3	1 ёшдан 3 ёшгача	15 мл бир қабулга кунига 3 марта, 7-15 кун давомида	20-30 мл дан кунига бир марта, 7-15 кун давомида
4	3 ёшдан 8 ёшгача	20 мл бир қабулга кунига 2-3 марта, 7-15 кун давомида	30-40 мл дан кунига бир марта, 7-15 кун давомида
5	8 ёшдан ошганлар	20-30 мл бир қабулга кунига 2-3 марта, 7-15 кун давомида	40-50 мл дан кунига бир марта, 7-15 кун давомида

Ножўя таъсирлари

Препарат захарли эмас. Бирон-бир ножўя таъсири аниқланмаган. Жуда камдан-кам ҳолларда, ичга қабул қилганда, препаратни беришни тўхтатиш шарт бўлмаган, енгил, қисқа муддатли рефлексли кўнгил айниш ҳолати кузатилиши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратни бирон-бир компонентига ўта юқори сезувчанлик бўлганда қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Препаратни ҳар қандай гуруҳдаги дори воситалари билан бирга қўллаш мумкин.

Махсус кўрсатмалар

- Бактериофаг билан даволашни иложи борича эрта бошлаш керак. Препаратни қўллашдан олдин флаконни чайқатиш керак.

ХИРА ПРЕПАРАТНИ ИШЛАТИШ МУМКИН ЭМАС!

- Агар бактериофагни қўллашдан олдин ярага ишлов бериш учун кимёвий антисептиклар ишлатилган бўлса, у ҳолда ярани 0,9% натрий хлориднинг стерил эритмаси билан яхшилаб ювиш керак;

- препарат атроф - муҳитдаги бактериялар ривожланиши мумкин бўлган озуқа муҳитини сақлайди, шу сабабли, флакон очилганда, препарат олинганда ва сақланганда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

- қўлларни яхшилаб ювиш керак;

- флакон қалпоқчасини очишдан олдин унга спиртли эритма билан ишлов бериш керак;

- қалпоқчани ечишда тикинни чиқармай туриб амалга ошириш керак;

- очилган флакондаги препаратни стерил шприц ёрдамида (тикинни тешиш орқали) олиш керак;

- агар флаконни очишда қалпоқча билан бирга тикин ҳам чиққан бўлса, флаконни очик қолдириш мумкин эмас;

- очилган флаконни совутгичда сақлаш керак. Очилган флаконни препаратни сақлаш ва очиш қоидаларига риоя қилинганда, сақлаш жараёнида хиралашмаган бўлса, уни бутун яроқлилик муддати давомида ишлатиш мумкин;

- кекса ёшдаги беморларга кунлик миқдорни ўзгартириш талаб этилмайди.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши

Ҳомиладорлик ва лактация даврида, инфекцияни келтириб чиқарган штаммлар ушбу препаратга сезгир бўлганда қўллаш мумкин (шифокор тавсиясига кўра).

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири
Таърифланмаган.

Дозани ошириб юборилиши

Дозани ошириб юборилиши тўғрисида маълумотлар таърифланмаган.

Чиқарилиш шакли

5 та 10 мл, 4 та 20 мл ва 1 та 100 мл дан флаконларда, давлат ва рус тилларидаги тиббиётда қўлланилишига доир йуриқномаси билан қартон қутига жойланган.

Сақлаш шароити

Қурук, қуёш нурларидан химояланган жойда, +2°C дан +10°C гача бўлган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

2 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи:

“AZIYA IMMUNOPREPARAT” МЧЖ,

100206, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Юнусобод тумани, 17-мавзе, Қадрдон МФЙ, 4Д-уй. Телефон: +99895 170-46-16. Е-почта: info@mediphag.uz

Ўзбекистон Республикаси худида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотни номи ва манзили:

“AZIYA IMMUNOPREPARAT” МЧЖ,

100206, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Юнусобод тумани, 17-мавзе, Қадрдон МФЙ, 4Д-уй. Телефон: +99895 170-46-16. Е-почта: info@mediphag.uz